

## КОРЕЙС ТИЛИДА САЛОМЛАШИШНИНГ ЛИНГВОКУЛТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Ҳакимова Барно Ҳаким қизи*

*Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти  
Тиллар ва мактабгача таълим факултети ўқитувчиси*

Корейс этикет қоидалари миллий анъаналар билан белгиланади, унинг асосини жамият ва оиладаги иерархик муносабатлар ташкил этади. Учрашув пайтида корейслар оғзаки саломлашишади: «Анненьхасимника!». Саломлашиш тантанали/маросим таъзим билан бирга бўлиши мумкин (айниқса, мамлакатнинг жанубида). Таъзимнинг чуқурлиги саломлашаётган ва салом қабул қилаётганнинг ижтимоий мавқеи ва ёшига қараб белгиланади. Оғзаки/вербал саломлашишдан ташқари, оғзаки бўлмаган/новербал саломлашиш ҳам мавжуд - корейслар учрашиш ва хайрлашиш пайтида ва одамни охириги сафарга кузатиб қўйиш пайтида таъзим қилишади: эркаклар икки марта, аёллар эса тўрт марта таъзим қилишади.

Корейс маданиятида қўл бериб кўришиш тобора кенг тарқалмоқда (айниқса Шимолда). Бунда ёши ва мавқеи бўйича энг каттаси қўл беради, аёли билан эркак сўрашганда, эркак биринчи бўлиб аёлга қўлини узатади. Мулоқот жараёнида сўзловчининг нутқ услуги ҳам суҳбатдошнинг ёши ва ижтимоий мавқеига боғлиқ.

Корейс маданиятида мулоқот маданияти ўзаро ҳурмат асосида қурилган. Ўтказилган сўровларнинг асосида олинган статистик маълумотларга кўра, корейсларнинг фикрича ўз-ўзини назорат қилиш мулоқотда асосий нарсадир, чунки агар одам ўзини назорат қилмаса, у ҳам ёмон дўст, ҳам ёмон суҳбатдошдир, у билан мулоқотда бўлиш қизиқ эмас, хаттоки бундай одам билан мулоқот қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Аммо агар инсон ўз сўзлари ва ҳаракатларини кузатса, назорат қилса, бу муваффақиятли мулоқотнинг калитидир.

Анъанавий корейс этикети қоидаларига қатъий риоя қилинмаса ҳам, этикет ҳатто энг замонавий, модернизациялашган ва ғарблашган ёшлар гуруҳларининг эътиборидан четда қолмайди.

Корейс этикети оиланинг ичи ҳамда иш муҳитида ҳам катталар ва кичиклар ўртасидаги вербал ва новербал хатти-ҳаракатларда аниқ ва ёрқин намоён бўлади.

Нутқ этикети, авваламбор, қуйидагиларда намоён бўлади: 1) махсус лексикадан фойдаланиш; 2) муайян адрессив (мурожаат) ва апеллятивлардан фойдаланиш; 3) одоб, хушмуомалалик даражасини ифодаловчи грамматик тузилмаларни танлаш, яъни гоноратив ва депрециатив функцияларини

бажарувчи тузилмаларни қўллаш. Бундан ташқари, корейс мулоқотида новербал компонент муҳим роль ўйнайди.

НOVERбал унсур/компонент ҳар хил турдаги таъзимларда, расмий ва норасмий байрамлар ва тадбирларда ўтирганларнинг позицияси/ҳолати, маъқуллаш ёки рад этиш, ҳурмат, розилик ва ҳоказоларни ифодаловчи имо-ишораларда ифодаланади.

Корейс жамиятида нутқ одоби миллий анъаналар билан шартланади ва шу билан бирга буларга Конфуций этикаси кучли таъсир ҳам этади. Жамият ва оиладаги иерархик муносабатларга асосланган Конфуций этикаси ва ахлоқи/маънавияти гарчи замонавий корейс жамиятида тақиқлар ва чекловларнинг жиддийлиги сезиларли даражада кучсизлашган бўлсада, ҳозирги кунгача ўзининг етакчи ролини сақлаб келмоқда. Корейс халқининг ахлоқий одатлари унинг анъанавий саломлашиш одобида ҳам ўз ифодасини топган.

Жанубий Кореяда қадимдан саломлашишнинг асосий усули бу таъзим қилиш бўлган. Оилавий ва ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган таъзим қилиш усули ҳам саломлашганда учрашиш вақти, жойи ва учратилган инсоннинг маъқеига боғлиқ. 30 °га эгилиб, таъзимни 2-3 сония ушлаб туриш керак. Таъзимга жавобан, суҳбатдош бир хил шаклдаги таъзим билан жавоб беради, аммо у биринчи таъзимдан бироз қисқароқ давом этади.

Одобга риоя қилиб саломлашиш учун суҳбатдошнинг кўзларига бир сония қараб таъзим қилиш кифоя. Таъзим пайтида қуйидагиларни сўзлаш мумкин:

«안녕하세요? ёки 안녕하십니까? – *Ассалому алайкум!*». Бу иккала саломлашишнинг ичиди, яъни «안녕하세요?» ва «안녕하십니까?» ичиди савол мавжуд: «*Сиз тинч омонмисиз? / Ҳаммаси яхшими?*». Мазкур саломлашувни тушуниш учун бу икки 안녕하세요? ва 안녕하십니까? жумлани иероглиф тарзида қабул қилиш лозим. Биринчи 안 иероглифи том остидаги аёл деган маънони англатади, у хавфсизликни рамзидир, иккинчи 닮 иероглифи ҳам қалбдаги тинчлик ва осойишталикни кўрсатади. Иккала саломлашиш шакли ҳам савол шаклида берилади ва савол оҳангида бўлади. Уларнинг орасидаги фарқ биринчиси норасмий, иккинчиси эса расмийроқ характерга эгаллигидадир. Биринчиси кундалик ҳаётда кўпроқ қўлланилса, иккинчиси эса расмий шароитда, оммавий нутқда, мақоми ёки мартабаси юқори бўлган одамлар билан мулоқотда кўпроқ қўлланилади.

Бундай саломлашишга жавоб қарама-қарши савол шаклида бўлади: 안녕하세요? или 안녕하십니까? *Сиз ҳам тинч омонмисиз? / Ҳаммаси яхшими?*

Бундан ташқари, корейс олими Мун Гумхён “бўш нутқ этикети” атамасини қўллайди ва унинг маъносини қуйидагича таърифлайди: “Бўш нутқ этикети адресатга ўзининг камтаринлигини кўрсатишга қаратилган расмий ифода ёки ҳаракатдир”.<sup>1</sup> Бўш нутқ этикет қоидаларига қуйидаги этикет формулалари мисол бўла олади: *아침 드셨어요?* – Сиз нонушта қилдингизми? *어디 가세요?* – Қаерга кетяпсиз? *어디가?* – Қаерга кетяпсан? Аслида мазкур саломлашув формулаларининг маъноси «Ассалому алайкум!» маъносига тенг. Бинобарин, расмий нутқ этикетининг клишелари шакл жиҳатдан ҳар хил, лекин уларнинг мақсади ва мазмуни бир-бирига яқин.

Расмий саломлашиш ва хайрлашишнинг тўлиқ бўлмаган таснифи Санхён Юн<sup>2</sup> ишида келтирилган. Муаллиф одоб-ахлоқ формулаларидан фойдаланиш ҳолатларини, уларнинг мақсадини тавсифлаб бериб, корейс тилида кўплаб мисоллар келтирган. Юн Санхён бу этикет формулаларини корейс этикети учун энг муҳим «хушмуомалалик максимаси» бўйича тақсимлайди.

Корейсча нутқ этикетида энг кўп ишлатиладиган саломлашиш ҳолатида эллиптик хабардорлик формулаларидир, масалан: “*Яхшимисиз? Омонмисиз?*” деган шакл ҳурмат ва хушмуомалалик даражасини англагучи якуний қўшимчалар билан фарқланадиган тўртта шаклда ифодаланади: *어떻게지내십니까?* – ҳурмат қилишнинг энг юқори шакли, *어떻게지내 세요?* – ҳурмат шаклига эга, аммо бироз дўстона шакл, *어떻게지내요?* – ҳурмат даражаси камроқ ифодаланган ва дўстона шакл, *어떻게지내?* – яқин дўстона шакл. “*Сизнинг аҳволингиз қандай?*” деган савол замонавий корейс нутқ этикетида сўровчининг энг сўнгги бўлган ишларга қизиқиши билан боғлиқ бўлиб, хушмуомалалик даражасига кўра, энг юқоридан пастгача бўлган тўрт шаклда амалга оширилади: *요즘하시는일은어떻습니까?* – ҳурмат энг юқори даражада ифодаланган шакл, *요즘하시는일은어때요?* – ҳурмат пастроқ даражада дўстона маъно билан ифодаланган шакл, *요즘하는일은어때요?* – ҳурмат ва дўстона шакл, *요즘하는일은어때?* – дўстона шакл.

<sup>1</sup> Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Сеул: Седжонг ун-т, 2012. – 97 с.

<sup>2</sup> Юн Сан Хён. Исследование речевого этикета для обучения иностранных учащихся: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Сеул: Седжонг ун-т, 2012. – 97 с.



Юқоридаги саволларга жавобларнинг учта гуруҳини ажратиш мумкин. Биринчисида, агар ишлар яхши кетаётган бўлса, жавоб одатда қуйидаги турдаги бўлади:

네, 잘지냅니다. – *Ха, раҳмат яхши яшаяпман.* Ҳурмат энг юқори даражада ифодаланган шакл.

네, 잘지내요. – *Ха, раҳмат яхши яшаяпман.* Ҳурмат пастрок даражада ифодаланган шакл.

응, 잘지내. – *Ха, раҳмат яхши яшаяпман.* Дўстона муносабат ифодаланган шакл.

Юқоридаги мисол тарзида келтирилган жавобларда корейсларнинг камтарлигини корейс халқига хос миллий хусусият сифатида кўриш мумкин. Жавобларда камдан-кам ҳолларда “Ажойиб! Шоҳона! Мухташам!» каби иборалар қўлланилади.

Жавобларнинг иккинчи гуруҳида корейс нутқ этикетида қуйидаги нутқий формулалар қўлланилади:

네, 괜찮습니다. – *Ха, мейёрида(яхши).* Ҳурмат энг юқори даражада ифодаланган шакл.

네, 괜찮아요. – *Ха, мейёрида(яхши).* Ҳурмат пастрок даражада ифодаланган шакл.

응, 괜찮아. – *Ха, мейёрида(яхши).* Дўстона муносабат ифодаланган шакл.

Учинчи гуруҳ жавоб ибораларида «ёмон» маъноси англатилади. Бу ибораларда корейс нутқи этикетининг бир хусусиятни қайд этиш мумкин. Гарчи гапирётганнинг ишлари ҳақиқатан ҳам ёмон кетаётган бўлса ҳам, корейслар «*Мени аҳволим яхши эмас/Ишларим ёмон*» демайдилар. Агар улар ўзаро жуда яқин бўлишса, қуйидаги жумлаларни қўллайдилар:

그리 좋지는 않습니다. – *Унчалик яхши эмас.* Ҳурмат энг юқори даражада ифодаланган шакл.

그리 좋지는 않아요. *Унчалик яхши эмас.* Ҳурмат пастрок даражада ифодаланган шакл.

그리 좋지는 않아. – *Унчалик яхши эмас.* Дўстона муносабат ифодаланган шакл.

Корейсча саломлашув ибораларнинг таҳлили оғзаки этикет формулалари ёрдамида корейслар учрашганда ўз муносабатини билдиришини кўрсатди. Шундай қилиб, корейс тилининг ўзига этикет формулалари фонди мавжуд.

Уларда саломлашиш мулоқот жойи ва вазияти, мулоқот комуникантларнинг , ёши, лавозими ва мақомига боғлиқ.

Маълумки, нутқ этикети таркибида мурожаат муҳим ўрин тутди. Мурожаат деганда “нутқда мурожаат қилинган кишини номлаш учун қўлланиладиган сўз ёки сўзлар туркуми” тушунилади<sup>3</sup> Мурожаат гапнинг грамматик жиҳатдан мустақил ва интонацион жиҳатдан ажратилган таркибий қисми ёки ундан мураккаб синтактик яхлитлик бўлиб, нутқ қаратилган шахс ёки предметни билдиради. Мурожаат нутқнинг тўғридан-тўғри суҳбатдошга қаратилганлигини ифодалаганлиги сабабли, у оғзаки мулоқотнинг ёрқин ифодали воситаси бўлиб, сўзлашув-диалогик нутқ соҳасига киради.

Шу сабабли, мурожаат турли муаммолар билан боғлиқ илмий лингвистик тадқиқотлар марказида бўлади. Мурожаатлар диалогик нутқни, кўчирма ва ўзлаштира нутқни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади, уларга бадиий нутқ стилистикасига оид кўплаб ишлар бағишланган. Мурожаат ва гап ўртасидаги боғлиқлик табиати ҳақидаги савол кириш, ажратилган конструкциялар, сегментли конструкциялар ва ша кабиларга бағишланган тадқиқотларда кўтарилади.

---

<sup>3</sup> Ким Гю Сон. Корейская речь в корейском обществе. –Сеул: Хангукмунхваса, 2001. –322 с. (на корейском языке).